

Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли

Бухоро давлат университети доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

j.y.ergashev@buxdu.uz

j.ergashev91@mail.ru

ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҲАРБИЙ МАЪМУРИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация. Турк хоқонлиги Евросиё даштларидаги катта ҳарбий-сиёсий тузилмалардан бири бўлиб, унинг барқарорлиги ва қудрати ҳарбий-маъмурий тизимнинг мукамаллиги билан боғлиқ эди. Кўчманчи жамиятнинг ҳарбий ташкилоти ва бошқарув тизими давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ҳарбий-маъмурий тузилма, хавфсизлик, маданият ва иқтисодий барқарорликка таъсир кўрсатган. Хоқонлик даврида марказий ва қанотлар бўйича маъмурий тартиблар, ворислик тизими, ва давлатдаги маъмурий лавозимларнинг тартиби давлат бошқарувини янада мукаммаллаштиришга хизмат қилган. Маълумки, Турк хоқонлигининг бошқаруви кўпинча қўшхоқимият ва умумий ҳолда ҳарбий тизимнинг алоҳида хусусиятларини ўз ичига олади.

Калит сўзлар: Турк Хоқонлиги, ҳарбий-маъмурий тизим, кичик хоқонлар, ябгу, давлат бошқаруви, Ашина уруги, теле қабилалари, ташқи сиёсат, кўчманчи жамият, империя бошқаруви, Хитой йилномалари, шад, тархон, икки томонлама бошқарув.

Аннотация: Данная статья рассматривает формирование и развитие военно-административной системы в Тюркского каганате, который был важной политической и военной структурой в Евразийских степях. Особое внимание уделяется влиянию этой системы на политическую, экономическую и социальную стабильность государства. В статье анализируются такие важные элементы, как "меньшие каганы" и "ябгу", а также их роль в управлении и межгосударственных отношениях. Важным аспектом является также роль Ашина в образовании и укреплении власти, а также взаимодействие различных кочевых племен. Работа поможет глубже понять историческое наследие тюркских народов

Ключевые слова: Тюркского каганате, военно-административная система, меньшие каганы, ябгу, управление государством, Ашина, теле племена, внешняя политика, кочевое общество, управление империей, китайские летописи, шад, тархон, двуначальное управление.

Abstract: The Turkic Khaganate was one of the largest military-political entities in the Eurasian steppes, and its stability and strength were largely determined by the perfection of its military-administrative system. The military organization and governance structure of the nomadic society played a key role in ensuring the political, social, and economic stability of the state. During the period of the Khaganate's existence, the formation of the military-administrative system, its structure, and its role in social and political life were closely intertwined with the state governance traditions of the Turkic peoples. The system of succession, administrative division, and leadership roles played an important role in maintaining order and stability. The existence of dual leadership and the division of the state into territorial units allowed for effective governance of the multicultural and nomadic society.

Key words: Turkic Khaganate, Military-administrative system, Throne succession, Wing system, Ashina clan, Dual leadership, Small khagans, Tarkhan, Shad, Diplomatic mission, Bureaucracy, Nomadic society

Кириш. Турк хоқонлиги, Евросиё даштларида йирик ҳарбий-сиёсий тузилма сифатида шаклланган ва ўзининг барқарорлиги ва қудратини, аввало, ҳарбий-маъмурий тизимнинг мукамаллиги билан таъминлаган. Бу даврда кўчманчи жамиятнинг ҳарбий ташкилоти ва бошқарув тизими давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини сақлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилган. Турк хоқонлигининг ҳарбий-маъмурий тизими, унинг шаклланиши ва ўзгаришлари туркий халқларнинг давлат бошқарувига оид анъаналарга, шунингдек, ўзининг ўзига хос сиёсий ва ижтимоий тизимларига асосланган эди. Хоқонликнинг бошқарув тизимида ҳарбий ва маъмурий тузилманинг ўзаро боғлиқлиги сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатда барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Халқаро муносабатлар, иқтисодий ресурслар ва ижтимоий тузилма бошқарувнинг ушбу тизими орқали тартибга солинган. Таспир хоқон даврида ҳарбий-маъмурий тизим тўлиқ шаклланиб, давлатнинг қарор қабул қилиш механизмларида катта ўзгаришлар юз берди. Хоқоннинг атрофида ташкил

этилган қанот тизими, унинг қариндошлари ва энг ишончли вакиллари томонидан бошқарилган ҳудудлар орқали давлатни бошқаришнинг барқарорлиги таъминланган. Мақолада, Турк хоқонлиги давридаги ҳарбий-маъмурий тизимнинг шаклланиши, унинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни, ва бошқарув механизмларининг умумий таҳлили келтирилади. Шунингдек, хоқонликда ҳукмронлик қилган Ашина қавми ваколатларининг таъсири, давлат бошқарувидаги ўзига хос хусусиятлар ва унинг номад тизимидаги аҳамияти ёритилади.

Методлар. Ушбу тадқиқотда Турк хоқонлиги давридаги ҳарбий ва маъмурий тизимнинг ривож ва шаклланишини ўрганиш учун бир қатор усуллардан фойдаланилган:

Тарихий таҳлил – Ушбу усул тарихий воқеаларни ва жараёнларни ўрганишга йўналтирилган. Турк хоқонлиги давридаги ҳарбий ва маъмурий тизимнинг шаклланишини аниқлаш учун даврнинг муҳим манбалари (сиртма манбалар, тарихий ҳартиялар ва архив материаллари) таҳлил қилинди. Бу усул, хоқонлик даврининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларини тушунишга ёрдам берди.

Манбаларга эътибор бериш – Тадқиқотда асосан араб, форс, ва қўшни халқларнинг манбаларидан фойдаланилди. Бу манбалар хоқонликнинг сиёсий ва ҳарбий сиёсатини, шунингдек маъмурий бошқарувни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қиёсий таҳлил метод – Хоқонликнинг ҳарбий ва маъмурий тизимини бошқа замондош давлатлар (масалан, Хазарлар, Ўғузлар) билан солиштириш орқали тўғри ва нотўғри алоқаларни аниқлашга ҳаракат қилинди. Бу метод хоқонликнинг давлат бошқарувининг муаммоларини ва у билан боғлиқ саволларни кенгроқ тушунишга ёрдам берди.

Ижтимоий-иқтисодий таҳлил – Давлатнинг ҳарбий ва маъмурий тизимини иқтисодий омиллар ва ижтимоий муносабатлар билан боғлаш орқали, хоқонликнинг бошқаруви ва иқтисодиёти орасидаги ўзаро алоқалар ўрганилди. Бу усул, давлатнинг ижтимоий структураси ва иқтисодий ривожланишини аниқлашда муҳим бўлди.

Классификация ва таҳлил – Турк хоқонлигининг ҳарбий ва маъмурий тизимларини турли категорияларга ажратиш ва ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш усули. Бу, давлатнинг ташкилотлашган тизимлари, ҳарбий стратегиялари ва маъмурий аппаратини яхшироқ тушунишга имкон берди. Ушбу методлар, Турк хоқонлигининг ҳарбий ва маъмурий тизимини ўрганишда мулоҳазалар ва қарашларни чуқурлаштиришга ёрдам берди.

Тадқиқот натижалари. Турк хоқонлиги Евросиё даштларида йирик ҳарбий-сиёсий тузилма сифатида шаклланган бўлиб, унинг барқарорлиги ва қудрати, аввало, ҳарбий-маъмурий тизимнинг мукамаллиги билан боғлиқ эди. Қўчманчи жамиятнинг ҳарбий ташкилоти ва бошқарув тизими давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Хоқонлик даврида ҳарбий маъмуриятнинг шаклланиши, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва тузилиши туркий халқларнинг давлат бошқаруви анъаналари билан узвий боғлиқ эди.

Биринчи Турк хоқонлигидаги ҳарбий-маъмурий тузуми Таспар хоқон давридагина тўлиқ шаклланган[15. 129-131,133]. У хоқонлик сиёсати йўналишларини тубдан ўзгартирган ҳукмдор бўлиб, марказ ва қанотларга маъмурий бўлиниш тартибларини ўрнатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Л.Гумилёвнинг Муғон хоқон маъмурий ислоҳоти ва унинг мулкларини яратиш ҳақидаги фикри тушунтиришни талаб қилади[9. 57-58]. Биринчидан, манбаларда хоқонликнинг ғарбий мулкларидаги мустақил ҳокимият тўғрисида фақат билвосита маълумотлар мавжуд. Иккинчидан, Таспар хоқон томонидан, эҳтимол, фақат империянинг шарқий ярмида яратилган маъмурий тизимни ғарбдагидан фарқлаш зарур бўлиши мумкин. Шунингдек, ворислар сони ҳар бир янги авлод Ашина уруғи вакиллари сонининг кўпайишига мувофиқ ўсиб борган. Ҳеч шубҳа йўқки, Таспарнинг маъмурий ҳокимиятни қайта ташкил этилишидан олдин ҳам қанот ҳокимиятларининг пайдо бўлиши мумкин эди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Турк хоқонлиги бошқарувидаги муҳим сиёсий масалалардан бири тахт ворислиги масаласи ҳисобланади. Тахтга ворислик қилиш тартиби қуйидагича эди: отанинг ўрнини ўғил эгалламас, аканинг ўрнига ука, амакининг ўрнига катта жиян олий ҳукмронликни қўлга киритган. Л.Гумилёвнинг фикрича, тахтга ворисликнинг бундай тизими дастлаб ижобий рол ўйнаган. Аниқроғи, давлатни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлган кичик ворис тахтга ўтиришининг олди олинган[8. 118]. Натижада ҳокимият ҳар доим тажрибали одамларнинг қўлида бўлган. Л.Гумилёв бу тизимни жанубий хуннларнинг бошқарув тартибларига ўхшашлигини қайд этган[9. 49]. Шунинг учун Турк хоқонлиги давлати бошида турган олий ҳукмдорлар бошқа хоқонзодаларнинг тахт иштиёқини қисман қондириш учун кенг маъмурий аппарат ташкил этганлар. Хоқонлик ҳарбий-маъмурий бирликларга бўлинган бўлиб, уларни “кичик хоқон”лар – хоқоннинг қариндошлари бошқарган ва шу билан ҳукуматда барқарорлик таъминланган. Бундай бошқарувда давлатнинг марказий қисмини хоқоннинг ўзи бошқарган,

қанотларни эса унинг энг яқин қариндошлари бошқарган. Қанот тизими кўчманчи империяларнинг анъанавий хусусияти эди[1. 57-65., 3. 297-298., 17. 136., 22. 111., 18. 108]. Хукмрон Ашина қавм аъзолари ваколатларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлган. Империядаги иккинчи шахс “ябғу” бўлган бўлса-да, у хоқоннинг вориси бўла олмаган. Фақатгина Буминнинг ябғу унвонига эга бўлган укаси Истами ғарбга томон салтанат ҳудудларини кенгайтирганидан сўнг машҳурликка эришди ва ғарбий ҳудудларнинг амалда мустақил ҳукмдорига айланди. Истами манбаларда ҳам, илмий тадқиқотларда ҳам кўпинча “ябғу хоқон” деб аталади. Айниқса, Култегин ва акаси Билга хоқон шарафига ёзилган битикларда “Истами хоқон” номининг кўрсатилишини мисол келтириш мумкин[19. 36., 13. 61]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, хоқонликнинг ғарбий қисми ҳукмдорларининг мақоми бошида унчалик аниқ бўлмаган.

Баъзи тадқиқотчилар туркий давлатлардаги бошқарув ҳақида ёзганда “қўшҳокимият” институтига алоҳида тўхталганлар. Жумладан, С.Кляшторный ва В.Лившиц “кичик хоқонлар”ни губернаторлар деб аташади[15. 130]. Бошқа мутахассислар уларни ўнг ва чап қанот етакчилари, “феодал ҳукмдорлар” ва бошқалар сифатида талқин қилишган. “Кичик хоқон”лар тилга олинган хитой йилномалари ва туркий битиклар мазмунини таҳлил қилиш айрим ҳолларда “кичик хоқон”лар “ябғу” ва “шад” унвонида бўлганлигига ишора қилиши мумкин (Истами ябғу, Дитоу хоқон). Бошқа ҳолатларда империянинг Або хоқон, Истамининг ўғли Ашина Тамган ва бошқа ҳукмдорлари каби ябғулардан паст даражадаги хоқонлар, йирик қабиаларнинг раҳнамолари, ҳукмдорнинг тўнғич ўғиллари, тахт ворислиги принциплари ва бошқа сабабларга кўра тахтга ўтиролмаган ҳокимиятга даъвогарлари, номинал хоқон қўл остида ҳақиқий бошқарувчи ва ҳарбий раҳбар бўлган ҳолатлар ҳам кузатилади[12. 14-15., 20. 68-69., 9. 470., 13. 115., 4. 259., 15. 129-130]. Бу эса қўшҳокимиятчилик эмас, балки удел бошқарувининг ўзига хос кўриниши бўлиши мумкин.

“Кичик хоқонлар”нинг бошқарув амалиёти Иккинчи Турк хоқонлигида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Қапағон хоқон ўз ўғиллари Инал ва Бёғу (Билга тегин)ларни “кичик хоқонлар” қилиб тайинлаганлиги уларнинг ҳарбий-сиёсий кучини мустаҳкамлайди[20. 68-69., 13. 115]. Ўша вақтда Бёғу Иккинчи хоқонлик асосчиси – Элтариш хоқоннинг ғарбий қанотни бошқарган тўнғич ўғли Билгадан юқорироқ мавқега эга бўлиб, хоқонлик тахти учун биринчи даъвогар ҳисобланган. Бёғу бу ҳудуддаги ҳарбий қисмларни назорат қилиш ва бошқариш функцияларини бажарган ва ўзини отасининг ҳокимияти вориси деб ҳисоблаш мумкин эди. Шундай қилиб, Ашина хонадонидаги ҳокимиятни марказга, шарқий (чап) ва ғарбий (ўнг) қанотларга ажратиш, ҳар қандай ҳудудни алоҳида мавқега бўлиш принципи сақланиб қолади. Бу Жанубий Сибир ва Ўрта Осиёнинг дашт давлатларида анъанавий бошқарув усули сифатида сақланган[8. 117]. Ушбу бошқарув шакли икки томонлама самара берган. Давлатда кўчманчи чорвачилик шароитида бошқарув, муҳофаза барқарорлиги ва шу билан бирга ҳукмрон доираларнинг нисбий барқарорлик энг хавфли пайтда таъминланган. Демакки, “кичик хоқонлар” туркларнинг кўчманчи империялари ҳокимият тузилмаси таркибига кирган ва сиёсий муносабатлар масалаларини таҳлил қилганда бошқа юқори мансабдор шахслари қатори уларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ашина уруғи ичида хоқон тахтини мерос қилиб олишга даъвогар бўлган баъзи шахзодалар “тегин” унвонига эга эдилар[18. 103., 5. 24.]. Бироқ, уларнинг ҳокимиятга бўлган даъволари империя қисмлари (қанотлар)ни бошқаришни бошламагунга қадар фақатгина эҳтимолийлик хусусиятига эга бўлган, холос[6. 194-195]. Қўшин бошлиқлари “шад” унвонига эга бўлиб, империянинг йирик маъмурлари ва ҳарбий раҳбарлари ҳисобланганлар.

Олий мартабали зодагонлар “тархон” деб аталган. Тарихий адабиётларда Турк хоқонлигидан Хитойга юборилган элчилик ҳайъатлари бошида “тархон” унвонли амалдорларнинг ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилган[10. 130]. Демакки, тархонлар дипломатик аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳам бажарган бўлиб, уларнинг таркиби ҳукмдорнинг ишончли кишиларидан иборат бўлган. “Сунӣ” – қўшинни бошқарадиган шахс унвони ҳам мавжуд бўлиб, унга бўйсунувчи бошқа ҳарбий унвонлар ҳам бор эди. “Ишбара” атамаси ҳам тахминан “жасур”, “кучли”, “қаттиқ” каби маъноларни англатувчи лавозим ҳисобланган бўлиши мумкин[11. 220]. Қўшинлар таркибидаги юзлик бўлинма сардорлари, бўри-шад, шунингдек, ябғу каби лавозимлар Турк хоқонлиги маъмурияти занжирини ташкил қилган. Ябғу ва шад унвонларидан куйироқда тутуқлар (“гудун”, “гудунфа”) ва ундан кичикроқ “мансабдорлар” турган бўлиб, марказий ҳокимият вакиллари томонидан тайинланган. Қабиалар ва қабила бирлашмаларида жами “28 синф” лавозимлар Хитой йилномаларида кўрсатилган бўлиб, уларнинг келиб чиқиши ва табақаланиши сиёсий нуфузига алоҳида таъсир кўрсанган[4. 229]. Демакки, ўтроқ мамлакатлар даражасида бўлмаса-да, Турк хоқонлигида ҳам бюрократик бошқарувнинг белгилари сезилиб турган ва бу жуда улкан империяни бошқариш ишини осонлаштиришга қаратилган.

Буғут ёдгорлигидаги сўғд ёзувларининг С.Кляшторный ва В.Лившиц таржимасида “шадапит”, “тархон”, “курқапин”, “гудун”лар тилга олинади. Кўринишидан, бу ерда империянинг

энг муҳим амалдорлари санаб ўтилган. Уларнинг ҳоқон ҳузуридаги кенгаш таркибига кирганлиги тахмин қилинади[7. 173]. Олимлар томонидан “қурқапинлар” атамаси турлича талқин қилинган. Бир ҳолатда, С.Кляшторный “қурқапинлар”нинг куч тимсоли сифатида камар (“қур”) олган ҳарбий аристократия қатлами эканлигини ёзган[15. 139-140,142]. Бошқа бирида асарида олим “югуриш” атамасига ўхшашликни таклиф қилади[14. 71]. Буғут ёзувидаги “қурқапинлар, қариндошлар, (барча) эл” ибораларидан бирининг контексти бундай талқинни истисно этмайди. Аммо, эҳтимол, “қурқапинлар” ҳоқон атрофида жамланган ҳарбий раҳбарларнинг нуфузли даражасидан иборат бўлган.

Шадлар қўшинларнинг қўмондонлари ва ҳоқон томонидан бўлинган давлатнинг йирик ҳудудий бирликлари устидан маъмурлар ҳисобланган. Хитой манбаларида шад ўз қўл остидаги халқлардан, биринчи навбатда, чорвачилик маҳсулотларидан солиқ олганлиги қайта-қайта қайд этилган: “Ашина Шер турк Чуло ҳоқоннинг ўғли эди. Ҳали 11 ёшлигида ақл-заковати ва мардлиги билан ажнабийлар орасида машҳур бўлган. “То шад” деб эълон қилинган. Кўчиб юрган даштнинг шимолида ўз ўрдасини ташкил этди ва Теле, Хоку, Тунло ва бошқа қабилаларнинг бошқарувини Юкук шад билан биргаликда назорат қилди. Солиқ олмасдан ўн йил ҳукмронлик қилди. Саркардаларидан бири бойиб кета олмаганлиги сабабидан ундан юз ўтирганда Ашина Шер шундай деди: “Қабилаларнинг фаровонлиги мен учун етарли!”. Барча саркардалар уни ҳурмат қилар ва севардилар”[2. 356]. Бу парча шад унвони билан қатор қабилалар устидан ҳукмронлик қилган Ашина хонадони вакилларида солиқ олиш ваколати бўлганлигини кўрсатади.

Иккинчи Турк ҳоқонлигида Тўнюкук (баъзан йилномаларда номи келтирилган Ашидэ Юаньчжень билан ягона шахс деб қабул қилинади) 682-йилда “або тархон” лавозимини эгаллаган бўлиб, бу лавозим унга қўшинларни бошқаришда алоҳида ваколатлар берарди[8. 115]. Бу борада Танг сулоласи даври тарихига оид манбаларда шундай маълумот беради: “У вақтларда Шанюй (ўлкаси)даги бўйсунган қабилаларни текшириш топширигини олган Ашидэ Юаньчжень исмли одам бор эди. Бир вақтлар у гуноҳи учун Шанюй ҳоқими Ван Бэньли томонидан қамокқа ташланганди. Шу вақтда Гудолу (Элтариш ҳоқон) ҳужум қилиб ўртага кирди ва (Ашидэ) Юаньчжень (Ванг Бенлидан) ўзини илгари бўлгани каби бўйсунувчи қабилаларни текшириш вазифасига қайтаришни илтимос қилди. (Ван) Бэньли буни қабул қилди. Натижада (Ашидэ Юаньчжень) Гудолунинг тарафига ўтди. Гудолу унинг ўзи томонга ўтганидан жуда севинди ва уни “Або даган” (“Або тархон”) деб эълон қилди ҳамда унга барча ҳарбий ишларни бошқариш вазифасини берди”[2. 214-215]. Агар Ашиде Юаньчжень исмли шахс саркарда Тўнюкук деб қабул қилинса, унинг кейинчалик “бойла баға тархон” унвони билан ҳам аталганлигини кўриш мумкин[19. 23]. Нима бўлган тақдирда ҳам ушбу лавозимлар ҳоқонлик марказий ҳарбий бошқарувида муҳим ўрин тутган амалдорларга тақдим этилганлигини ҳулосалаш мумкин.

Тобе қабилалар ҳоқон ва унинг халқи олдида турли мажбуриятларга эга бўлганлар. Бунда аҳолининг чорва, қурол-яроғ ва бошқа маҳсулотларидан солиқ ундирилар эди. Ҳар хил вазифаларни ёрдамчи бўлинмаларда ҳарбий хизматни ўташга қарам қабилаларнинг эркаклари жалб этилиши мумкин эди. Турк ҳоқонлигида император маъмурий тузилмаларининг якуний шаклланиши билан қарам хорижий-кўчманчи гуруҳларнинг итоаткорлигини таъминлаш зарурати пайдо бўлган. Бу, асосан, консенсуал усуллар билан амалга оширилган (беглар учун нуфузли маҳсулотларни тақсимлаш, юришлар пайтида оддий кўчманчиларнинг ўлжа олиш имконияти, кўчманчиларнинг чегара бозорларига чиқиши ва бошқалар). Бироқ, баъзи қабилалар бирлашмалари (масалан, хитан ва ши) жуда қаттиқ бўйсунуш шаклларида бошқарилганлар. Улар вақти-вақти билан талончилик ва зўравонликларга дучор бўлишган[21. 312]. Бу ҳолатда ҳоқонликнинг ҳарбий ташкилоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, кўчманчилар сиёсати бирлигини сақлашнинг асосий институти бўлиб хизмат қилган.

Бўйсунувчи тэле қабилалар гуруҳларининг орасида уйғурлар, айниқса, ажралиб турарди. Телелар нафақат жўжанларни мағлуб этишда, балки Евросиёда кенг қўламли истилоларни амалга оширишда туркларга ёрдам бердилар[4. 301]. Турклар ва теленинг иттифоқи дастлаб жўжанларга нафрат ва уларга қарши биргаликда курашга асосланган эди. Биринчи Турк ҳоқонлигининг кенгайиши ва ташкил топиши йилларида теле қабилалари босиб олинган ерларда (Мўғулистон, Олтой, Етгисув ва бошқалар) кенг жойлашдилар. Шунингдек, улар Хитой ва бошқа мамлакатлардан ҳарбий ўлжалар, тухфаларга ва умуман олганда турклардан кейин ҳоқонликдаги имтиёзли мавқега эга бўлдилар. Уларнинг айрим уруғ-қабилалар бирлашмалари, масалан, уйғурлар, кейинчалик сеяньто, қарлуклар, кипчоқлар ҳокимият тепасига кўтарилиб, маълум имтиёзларга эга бўлдилар[6. 200]. Шуниси эътиборга лойикки, VII аср бошларигача турклар Мўғулистонда ички кўзғолонларига дуч келмаганлар ва теле қабилаларини ўзларининг асосий ҳарбий таянчи деб билганлар.

Ҳулоса. Турк ҳоқонлигида шаклланган ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими кўчманчи империяларнинг сиёсий барқарорлиги, иктисодий ривож ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи

асосий омиллардан бири бўлган. Таспар хоқон даврида мукаммаллашган маъмурий тузилма ва тахт ворислиги тизими сиёсий ҳокимиятни тажрибали кўлларда сақлашга хизмат қилган. “Кичик хоқон”лар, “ябғу”, “шад”, “тархон” ва бошқа унвонли амалдорлар марказ ва қанотлардаги бошқарувни амалга ошириб, хоқонлик тизимининг узвий бир қисмини ташкил этганлар. Бу тизим давлатда ички барқарорликни сақлаш, ҳаракатчан кўшинларни назорат қилиш ва тобе халқлардан тўпланадиган ресурсларни самарали бошқариш имконини берган. Шундай қилиб, Турк хоқонлиги маъмурий тизими нафақат ҳарбий кучга, балки ижтимоий-сиёсий ташкилотчиликка ҳам асосланган бўлиб, кейинги даврлардаги кўплаб туркий давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Golden P.B. Imperial ideology and the sources of political unity amongst the pre-Činggisid nomads of Western Eurasia // Archivum Eurasiae Medii Aevi. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 1982. – Vol.II. – P.37-76.
2. Liu Mau-tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. – İstanbul: Selenge yayınevi, 2006. – 640 s.
3. Sinor D. The establishment and dissolution of the Türk empire / The Cambridge History of Early Inner Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990. – P.285-316.
4. Бичурин (Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена / Т.1. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1950. – 384 с.
5. Бобоёров Ғ. VII-VIII асрларда Фарғонадаги бошқарувчи сулолаларнинг этник келиб чиқиши ҳақида // O‘zbekiston arxeologiyasi. 2020, № 3 (22). – Б.20-44.
6. Васютин С.А. Власть и социум в кочевых империях Центральной Азии VI – начала XII в. – Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Кемерово, 2016. – 761 с.
7. Васютин С.А. Эпоха тюркских каганатов / Кочевые империи Евразии: особенности исторической динамики / отв. ред. Б.В. Базаров, Н.Н. Крадин. – Москва: Наука – Восточная литература, 2019. – С.166-199.
8. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркский каганат в Южной Сибири и Центральной Азии во второй половине VI – первой половине VIII вв. – Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Екатеринбург, 2006. – 217 с.
9. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – Москва: Издательство «Наука» – Главная редакция восточной литературы, 1967. – 504 с.
10. Джуманиёзова Ф. Тўхористон ябғулиги – Хитой дипломатик алоқалари / Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан. – Тошкент: «Fan ziyosi» нашриёти, 2022. – Б.112-131.
11. Древнетюркский словарь. – Ленинград: «Наука», 1969. – 676 с.
12. Жумаганбетов Т.С. Власть кагана в древнетюркской государственной организации // Вестник Челябинского государственного университета. 2008. №34 (135). История. Вып.27. – С.14-19.
13. Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – Санкт-Петербург: Филологический факультет СПбГУ, 2003. – 560 с.
14. Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – Санкт-Петербург: «Наука», 2006. – 591 с.
15. Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута / Страны и народы Востока, Т.10. – Москва: «Наука», 1971. – С.121-146.
16. Крадин Н.Н. Империя хунну. – Москва: «Логос», 2001. – 312 с.
17. Крадин Н.Н. Кочевые общества. – Владивосток: «Дальнаука», 1992. – 240 с.
18. Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – Москва: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1997. – 319 с.
19. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1959. – 112 с.
20. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1951. – 452 с.
21. Марков Г.Е. Кочевники Азии. Структура хозяйства и общественной организации. – Москва: Издательство Московского Университета, 1976. – 320 с.
22. Трепавлов В.В. Государственный строй Монгольской империи XIII в.: Проблема исторической преемственности. – Москва: «Наука», 1993. – 168 с.: карта.